



УСТОЗИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЖАМИЯТ РАВНАҚ ТОПАДИ, ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ БАЛАНД ХАЛҚНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ЮКСАК БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтига ташриф буюриб, янгиланган шароитлар билан танишди, ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан давлат мукофотларини топширди ҳамда соҳа вакиллари билан таълимда амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги устувор вазифалар юзасидан мулоқот ўтказди.



Ҳар бир ривожланган мамлакат каби Ўзбекистон ҳам ўз тараққиётини таълимга асосланиб кўрмоқда. Бу соҳада чуқур ислохотлар, катта-катта дастурлар амалга оширилмоқда. Бунда энг муҳим бўгин, ёшлар сиёсатининг пойдевори — бошланғич ва умумий таълимдир.

Юртимизда 37 мингдан зиёд болалар боғчаси, 10 мингдан ортиқ мактаб бор. Жойларда яна янгилари қурилмоқда. Лекин бу мақсаднинг бир қисми. Энг асосий масала — таълим сифати.

Шу боис, педагог ва мутахассислар малакаси доимий ошириб боришмоқда. Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг жорий йил 21 июнда қабул қилинган мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришга доир қарори бу тизимни янги босқичга кўтарди.

Жумладан, шу соҳадаги институт Абдулла Авлоний номидаги педагогик

маҳорат миллий институтига айлантирилди. Мавжуд мажмуа капитал таъмирланиб, иккита қўшимча бино қурилди, барчаси замонавий жиҳозланди. Тингловчилар ўрни ҳам, йўналишлар ҳам кўпайди. Энг муҳими, малака тизими мазмунан бойиди.

Институт бундан 90 йил олдин, 1934 йилда очилган. Шунга бағишлаб, бу ерда музей ташкил этилган. Унда жадид болаларимизнинг илмга эътибори, Абдулла Авлоний асос солган маориф тизими, ўша даврдаги дарсликлар ва саҳна асарлари, умумий таълимнинг ривожланиш

босқичлари акс этган. Сунъий интеллект ёрдамида маърифатпарвар жадидлар қиёфаси гавдалантирилган. Шу ерда қарийб 88 минг китоб фондига эга кутубхона ҳам бор. Давлатимиз раҳбари ушбу музей ва кутубхонани кўздан кечирди.

► Давоми 2-бетда

ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН ИСЛОХОТЛАР ДАСТУРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Антонелла Бассанини қабул қилди.

Жаҳон банки гуруҳи билан стратегик ҳамкорлики янада кенгайтириш ҳамда ушбу етакчи халқаро меъия институт томонидан Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида вице-президент Антонелла Бассани давлатимиз раҳбарига Жаҳон банки президенти Ажай Банганинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорлик бугунги юксак даражага етгани ва самарали тус олгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз банкнинг энг йирик ҳамкорлари қаторига кирди — лойиҳалар портфели бир неча баробар кўпайиб, ҳозирги кунда 12 миллиард доллардан ошди.

Жаҳон банки иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим ислохотларни амалга оширишда кўмаклашмоқда. Жорий йилнинг июль ойидан Тошкент шаҳрида банкнинг минтақавий ваколатхонаси фаолият бошлади.

Камбағалликка қарши курашиш, давлат корхоналари ва банкларини трансформация қилиш, карбонсизлаштириш, ЖСТга эъзо

бўлишни қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишлар ҳамкорлики янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Худудларни комплекс ривожлантириш ва урбанизация, энергетика ва ирригация инфратузилмасини модернизация қилиш дастурларига, хусусий секторни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақавий лойиҳаларни илгари суриш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни ЭЪТИРОФ, РАҒБАТ ВА ИМКОНИАТЛАР

ПЕДАГОГЛАРНИ ЎЗ УСТИДА ИШЛАШГА РУҲЛАНТИРМОҚДА

1 октябрь жамият тараққиётида ўқитувчи ва мураббийларнинг муҳим ўрни борлигини таъкидлайдиган эзгулик байрамидир. Ўзбекистонда бу кун ўз ҳаётини келажак авлодни ўқитиш ва тарбиялашга бағишлаган устозларга ҳурмат ва миннатдорлик рамзи бўлган умумхалқ шодиёнасига айланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди ва улар марказида ўқитувчилар турибди. Янги қонунлар қабул қилиниши, давлатимиз тараққиёт стратегиясининг амалга оширилиши, шунингдек, замонавий таълим услубларининг жорий этилиши таълим тизимини сифатли ривожлантириш учун асос бўлмоқда.

► Давоми 5-бетда



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги таълим-тарбия соҳаси ходимларини Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Халқимиз ўзининг азму шижоати, бунёдкорлик салоҳияти билан Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этаётган бугунги кунда ушбу улуг айёмнинг моҳияти, муаллим ва устозларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти айниқса ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз азалдан эъзолаб келадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг мақоми, кадр-қимматини янада юксалтириш — биз амалга ошираётган давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айлангани ҳам шундан далолат беради.

Зеро, донишмандлар айтганларидек, мамлакат, аввало, ердан ризқ-насиба ундирадиган деҳқонлар, халқни ёвдан, турли ёвузликлардан ҳимоя қиладиган аскарлар, ёш авлодга таълим ва тарбия берадиган фидойи муаллимларнинг сазй-ҳаракати билан обод ва фаровон бўлади.

Ҳурматли ватандошлар!

Кейинги йилларда миллий тараққиёт стратегиямиз асосида юртимизда таълим ва тарбия тизимида ҳам том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда.

Қисқа фурсатда соҳага оид кўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Янгиланган Конституциямизда ўқитувчининг мақоми алоҳида белгилаб қўйилди.

Республикаимизда ҳар йили янги-янги таълим масканлари барпо этилиб, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига мос янги авлоди яратилмоқда.

Айниқса, мактабгача таълим тизими дунёдаги илғор тажрибалар асосида мутлақо янгича ривожланиш босқичига қадам қўйди. Юртимиздаги болалар боғчалари сони 8 баробар ошиб, салкам 38 мингтага, жумладан, нодавлат таълим муассасалари 250 тадан 29 мингтага, қамров эса 27 фоиздан 76,4 фоизга етгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу ҳақда сўз юритганда, охириги етти йилда 5 мингдан зиёд мактабда, шу йилнинг

ўзида эса 608 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилганини таъкидлаш лозим.

Илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 288 минг нафардан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатланиши йўлга қўйилди.

Хусусий сектор ривожини учун яратиб берилган қўлай имкониятлар натижасида нодавлат мактаблар улуши 5 фоизга етгани диққатга сазовордир.

Биз инсон қадрини улуғлашга қаратилган улкан ишларимиз доирасида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг иш ҳақи 2016 йилга нисбатан ўртача 2,5 марта, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши эса 4,5 карра ўсгани, октябрь ойидан педагог ходимларнинг иш ҳақи яна 15 фоизга оширилиши шу борадаги сазй-ҳаракатларимиз натижасидир.

Таълим сифатини юксалтириш мақсадида педагогларнинг малакасини ошириш бўйича ягона ва вертикал тизим яратилди.

► Давоми 2-бетда

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ



Мазкур мақола Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

► 3-бетга қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

ЎСТОЗИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЖАМИЯТ РАВНАҚ ТОПАДИ, ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАДР-ҚИММАТИ БАЛАНД ХАЛҚНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ЮКСАК БЎЛАДИ

► Бошланиши 1-бетда

Жорий йилда ҳозирга қадар 142 нафар ўқитувчи илгор хорижий давлатларда малака ошириб қайтди. Мактаб директори лавозимига тайинлаш тизими тақомиллаштирилиб, уларга менежерлик сертификатини бериш тартиби ўрнатилди.

Таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор тўғайли ёшларимиз билим, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак марраларни қўлга киритаётгани барчамизни мамнун этмоқда.

Ўқувчиларимиз 2010-2016 йилларда халқаро фан олимпиадаларида 73 та медални қўлга киритган бўлса, сўнгги етти йилда 349 та, 2024 йилнинг ўзида эса 122 та медалга сазовор бўлгани ҳам биринчи навбатда сизларнинг машаққатли меҳнатингиз самарасидир.

Бу борада халқаро фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларнинг ўстозларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилгани ва шу мақсадда Давлат бюджетидан 6 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта буюк алломаларимизга бағишланган халқаро фан олимпиадаларини ўтказишни бошладик. Бу эса фарзандларимиз, бутун халқимиз қалбида гурур ва ифтихор туйғуси билан бирга, дунёда Ўзбекистоннинг маърифий нуфузини ҳам юксалтирмоқда.

Мактабда иккинчи хорижий тил ва касб-хунарларни ўргатиш борасида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Жорий ўқув йилида 354 та мактабда 16 мингдан зиёд ўқувчига иккита хорижий тилни ўқитиш, 289 та мактабда 40 мингдан ортиқ ўқувчига касб-хунар ўргатиш йўлга қўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда юртимизда 135 та янги олийғоҳ ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 211 тага етказил-

гани, тизимда қамров даражаси 4 баробардан зиёд ошиб, 9 фойздан 38 фойзга етгани мисолида бунга яққол кўриш мумкин.

Қадрли дўстлар! Кўҳна тарих, бутунги ҳаёт тажрибаси барча муаммоларнинг ечими, саволларнинг жавоби фақат ва фақат таълимда, камолот ва бахт эшикларининг калити таълим ва тарбияда экандан далолат беради.

Барчамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етишда — жонажон Ўзбекистонимизни эркин ва фаровон, ҳар томонлама обод мамлакатга айлантиришда соҳа ривожини янги сифат bosқичига кўтариш хал қилувчи аҳамият касб этади.

Сизлар билан бўлиб ўтган сермазмун ва самимий мулоқотимизда бу ҳақда яна бир бор фикр алмашиб, келажак режаларимизни аниқ белгилаб олдик.

Ишончмн комил, сиз, муҳтарам педагоглар, профессор-ўқитувчиларимиз таълим соҳасидаги ислохотларимизда янада фаол иштирок этиб, “Янги Ўзбекистон — маърифий жамият” деган олижаноб ғоямизни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшасиз. Ҳеч шубҳасиз, биз таълим ва тарбия тизимини янада равнақ топтириш, соҳа ҳодимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масаласига бундан буён ҳам устувор аҳамият берамиз ва ўқитувчиликни жамиятимизда энг обрўли касблар қаторига олиб чиқамиз.

Муҳтарам устозлар!

Мана шу шукухли айёмда сиз, азизларни яна бир бор чин дилдан қўтлаб, барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, эзгу ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, қадрли ва меҳрибон устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Халқаро тадбир

САМАРҚАНД ЯНА БИР НУФУЗЛИ АНЖУМАНГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Жорий йил 2-5 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Камбағалликдан фаровонлик сари” ғояси асосида “Маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинڭ ўрни” мавзусида халқаро анжуман ўтказилади.

Маҳалла ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини қарор топтириш, инсон камолоти ва жамият ривожини таъминлашга хизмат қиладиган маскандир. Шу бонс, ўзини ўзи бошқаришининг ноёб тизими бўлган ушбу тузилманинڭ жамиятимиздаги нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатини кенгайтириш борасида улкан ишлар бажарилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизда маҳалла институтининг мақоми мустаҳкамланди. Барча соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилиб, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили амалиётга татбиқ этилди.

Охирги йилларда тизимни тақомиллаштиришга қатор юзга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, “маҳалла еттилиги”дан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга кўра, маҳаллани халқ билан давлат ўртасида кўприк вазифасини бажарувчи мустақил ва халқчил тузилмага айлантириш, жойларда аҳолини қийнаётган муаммолар ўз вақтида ва самаралар ечилишида давлат органлари ҳамда ташкилотларининг маҳаллалардаги вакиллари сайё-ҳаракатини бирлаштириш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида бу йўналишда изчил ишлар қилинди. Жумладан, маҳаллалар фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича қатор ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди. “Маҳалла еттилиги” ҳамкорлиги бўйича услубий қўлланмалар тайёрланиб, маҳаллаларга етказилди.

Маҳаллада қоғоз шаклидаги ҳужжатлар расмийлаштирилиши бекор қилиниб, “еттилик” томонидан алоҳида юритилаётган тарқоқ платформалар ўрнига “Рақамли маҳалла” ягона электрон платформаси ишга туширилди. Аҳоли муаммолари билан ишлаш ва “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича узлуксиз ишлайдиган “Call-марказ” фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир маҳалланинڭ демографик,

ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича маҳаллабай харитаси ишлаб чиқилди.

Аҳоли муаммоларини бартараф этиш бўйича қилинаётган тизимли ишлар натижа-сида маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланмоқда. Жойларда электр, газ, ичимлик сув тармоқлари реконструкция қилинати, янги тармоқлар тортилмоқда. Хонадонларни обод қилиш, эскирган турар жойларни таъмирлаш, уй-жойларга кадастр ҳужжати расмийлаштиришда аҳолига кўмаклашиляпти.

Маҳаллаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш борасида жорий йилнинг 5 ойида 189 та маҳаллада янги бино қурилди, 97 таси жорий, 40 таси капитал таъмирланди, 87 таси реконструкция қилинди. Шунингдек, маҳаллаларга келиб тушаётган муурожаатларнинг салмоқли қисми маҳалланинڭ ўзида ҳал қилинати. Буларнинг барчаси маҳалла инсти-тутининг ҳаётимиздаги ўрни юксалаётганини, халқимизнинг таянч ва суянчига айланиб бо-раётганини яққол ифода этади.

Самарқандда ўтказилиши режалаштирил-ган халқаро конференция ушбу сайё-ҳаракатларнинг мантйқий давоми бўлиб, унда маҳал-ладаги келиб тушаётган муурожаатларнинг салмоқли қисми маҳалланинڭ ўзида ҳал қилинати. Буларнинг барчаси маҳалла инсти-тутининг ҳаётимиздаги ўрни юксалаётганини, халқимизнинг таянч ва суянчига айланиб бо-раётганини яққол ифода этади.

Мазкур халқаро тадбир дунёнинг қўтлаб нуфузли тузилмалари ҳамда етмишдан ортиқ қилотлар вакиллари, хорижий мамлакатлар-нинг юртимиздаги элчилари, Ўзбекистон-лик соҳа мутахассислари, олимлар, маҳалла фаоллари иштирок этади.

Анжуманда, шунингдек, Ўзбекистон ма-ҳаллалари уюшмаси томонидан тайёрланган миллий маҳалла тизими фаолиятини акс эт-тирувчи махсус ҳужжатли фильм намойиш этилади. Шунингдек, тадбир иштирокчилар-нинг Самарқанд шаҳридаги қатор маҳал-лалар ва маҳалла сервис компаниялари-га, тарихий қадамжоларга ташрифи ҳам режа-лаштирилган.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

► Бошланиши 1-бетда

Муассасада малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг анъанавий, муқобил ҳамда дуал шакллари, шу жумладан, сунъий ин-теллект технологиялари асосида ўқитиш жорий этилган. Ситуацион ўқув хонаси Қорақалпоғистон Республикаси ва ви-лоятлардаги педагогик маҳорат марказ-лари билан видеоалоқа орқали уланган. Узлуксиз касбий таълим, менежерлик ўқув курслари, педагогларни аттестация-дан ўтказиш ва малака тоифасини бериш, мактабгача ва мактаб таълимини бошқа-риш каби дастурий платформалар жорий этилган. Бу ҳудудлардаги директор ва ўқитувчиларни янги педагогик техноло-гия ва услубларга тезкор ўқитиш имкони-ни беради.

Бутунги кунда мактаб директори на-фақат тажрибали педагог, балки яхши бошқарувчи, маълум маънода стратег ҳам бўлиши керак. Институт ўқув дастурида бунга катта эътибор қаратилиб, директор-лар мактаби ташкил этилган.

Инклевзив таълим ва психолог хонала-рида шу йўналишда ишлайдиган дефекто-лог ва тарбиячилар малакаси оширилади. Медиа студияда видеодаРСлар тасвирга олинади. Шунингдек, институтда конфе-ренция зали, компьютер ва семинар хона-лари, ошхона ва шароитлар бор.

Маълумки, бутун мамлакатимизда аниқ ва табиий фанларга алоҳида аҳамият қаратилиб, мактаблар замонавий жиҳоз ва ўқув қўлланмалари билан таъминлан-моқда. Бу ўқитувчилардан шунга мос-лашишни, янги билим ва кўникмаларни ўлаштиришни талаб қилади. “STEM” лабораторияси педагогларни шу борада қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қилади.

Замонавий таълим талабидан келиб чиқиб, институтда ўқиш соатлари кўпай-тирилди. Ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш мақсадида ётоқхона замонавий таъмирланиб, ўринлар сони оширилди.

Президентимиз ушбу хоналарда бў-либ, янги қулайлик ва имкониятлар билан танишди.

— Бу институт кутиб ўтирувчи эмас, тарғиботчи, етакчи бўлиши керак. Ҳу-дудлардаги ўқитувчи ва директорларни кўпроқ таклиф этиб, барча мактабларда сифатни ошириш зарур. Янги замон киши-си, келажакимиз бунёдкорлари мактабда тарбияланади. Таълимсиз келажак йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу ерда дарс берадиган ўқитувчи ва мураббийларни хорижда ўқитиш, дунёда-ги илгор тажрибаларни уйғунлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида инсти-тутда 4 минг 300 нафарга яқин таълим муассасалари раҳбарлари малака оширди. Шунингдек, 2 минг нафарга яқин дирек-тор ва директорликка номзодлар мене-жерлик курсларида ўқитилди. “Узлуксиз касбий таълим” платформаси орқали дарсларда 113 минг нафардан ортиқ педа-гоглар қатнашди.

Сингапур халқаро таълим ташкилоти томонидан 100 нафар мактаб директори, 200 нафар математика ва табиий фанлар ўқитувчиси қайта тайёрланди. Институт тузилмасида Халқаро тадқиқотлар марка-зи ҳам иш бошлади.

Умуман, мамлакатимизда мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ҳамда мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш-нинг узлуксиз тизими йўлга қўйилади. 2025 йилдан бошлаб улар беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда малака оширади. Бундан ташқари, умумий ўрта таълим муассасаларида “Касбий ривож-ланиш соати” ҳамда “Касбий ривожла-ниш кунни” жорий этилади. Президент мактабларида тўлганган илгор тажриба-лар узлуксиз касбий ривожлантириш ти-зими орқали умумий ўрта таълим муасса-саларида кенг татбиқ қилинади.

Шундан сўнг 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг бошида барча таълим-тарбия ҳодимла-рини байрам билан самимий табриқлаб, халқимизнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромини етказди.

— Биз устозни отадек улуг деб бил-ган, уни ҳақиқа бошига қўтариб эъзо-злаган бўмиш, маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Тарихимиздаги қайси машҳур аждодиимизни олмайлик, улар-нинг барчаси устозларга юксак эҳтиром

билан қараганларига гувоҳ бўламиз. Ус-тозини, муаллимини эъзозлаган жамият, албатта, равнақ топади, гуллаб-яшнайдди. Ўқитувчисининг кадр-қиммати баланд бўлган халқнинг обрў-эътибори юксак бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаётда ҳар бир эзгулик, ҳар бир каш-фиёт ва ютуқнинг замирида ўқитувчи-нинг меҳнати, бардоши ва меҳр-мухабба-ти мужассам экани таъкидланди.

— Таълим — соҳалар ичида энг дол-зарби, мактаб — энг муҳими бўлса, ўқи-тувчилик касблар орасида энг улугдидир. Шахсан мен ўқитувчи деганда, ўзим учун азиз ва қадрли бўлган зотларни, юз-кў-зидан нур ёғилиб турадиган мўътабар инсонларни тасаввур қиламан. Улар замо-намизнинг энг илгор кишилари, жонқуяр, ватанпарвар, ҳалқпарвар инсонлардир. Шу сабабли халқимиз ўзининг энг катта бойлигини — фарзандлари тарбиясини ўқитувчиларга ишониб топширади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Устозларнинг донишмандлиги, ҳаёт маъносини чуқур англаб, одамларни ях-шиликка ва муваффақиятларга руҳланти-риши қайд этилди.

— Инсоннинг онги, дунёқараши ўз-гармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўз-гармаса, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одам-ларнинг тафаккурини, шу асосда бутун жамиятни ким ўзгартира олади? Янги бе-рунийларни, хозамий ва фаргонийларни ким камолга етказди? Бундай улугвор ва-зифани, том маънодаги тарихий миссияни адо этишга фақат сиз — устоз ва мураб-бийлар қодирсиз, — деди Президент.

Бугун юртимиз ўғил-қизлари халқаро фан олимпиадаларида, спорт майдонла-рида улкан марраларни қўлга киритаёт-гани ёдга олинди. Бу ғалабалар, аввало, устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳ-нати самараси экани эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 27 сентябрдаги фармонига му-вофиқ, таълим-тарбия тизимига қўшган муносиб ҳиссаси, соғлом ва баркамол авлодни воғга етказишдаги ибратли фао-лияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошлари-миз фахрий унвон, орден ва медаллар би-лан тақдирланган эди.

Маросимда ана шу мукофотлар танта-нали равишда топширилди.

— Ўз меҳнати билан кадр топиш, эл-юрт ардоғида бўлиш чинакам бахт. Бу, айниқса, ўқитувчи ва мураббийларга яра-шади. Қадрингиз ҳам, қаддингиз ҳам дои-мо баланд бўлсин, азиз устозлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиқ-қанлар таълим соҳаси ва муаллимларга эътибори, камтарона хизматларини юксак баҳолагани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилди.

Мамлакатимизда барча соҳа ва тар-моқларда улкан мақсадлар белгиланган. Уларни амалга ошириш ва тараққиётни давом эттириш ёш авлоднинг билим ва тафаккурига, тарбиясига, ватанпарварли-гига боғлиқ.

Бунинг учун ўқитувчилар ҳуқуқий, ижтимоий ва мовиявий томондан ҳимоя қилинган ва етарли таъминланган бў-лиши керак. Шу бонс, янгиланган Консти-туциямизда ўқитувчи мақоми алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу йил “Педагог-ларнинг мақоми тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Давлатимиз бойлиги, биринчи нав-батда, ёш авлод тарбиясига сарфлан-моқда. Сўнгги 7 йилда таълимни ри-вожлантиришга жами 216 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун бюджетдан 19,5 триллион сўм сарфланиб, 6 минг-та давлат мактаби ва 3,5 мингта боғча реконструкция қилинди ҳамда янгидан қурилди. Мактабларда 800 мингта, боғ-чаларда 535 мингта қўшимча ўрин яра-тилди.

Хусусий таълимга кенг имкониятлар яратилаётгани тўғайли хусусий мактаб-лар сони 27 тадан 500 тага етди, нодавлат боғчалар 250 тадан 30 мингтага кўпайди.

Ўқитувчиларга маҳорати ва эришган ютуқларига қараб тўланадиган устамалар сони 3 тадан 17 тага оширилди. Ўз устида астойдил ишлаган, хорижий сертификат олган 6 минг ўқитувчи 10 миллион сўм-дан зиёд маош олмақда.

14 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби фаолияти йўлга қўйилди.

Уларнинг дастурлари асосида табиий ва аниқ фанлар бўйича замонавий дарс-ликлар яратилмоқда. Президент мактаб-ларидаги баҳолаш тизими ҳозир 500 та умумтаълим мактабида қўлланмоқда. Баҳолашни самарали йўлга қўйган 66 та мактаб жамоасига 40 фойзгача устама тў-ланмоқда.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни селекция йўли билан танлаб олиш бў-йича илгари бўлмаган янги тизим йўлга қўйилди. Натижада бу йилнинг ўзида халқаро фан олимпиадаларида ўқувчи-ларимиз 122 та медални қўлга киритди.

Мактаб битирувчиларини олий таъ-лимга қамраб олиш даражаси сўнгги 7 йилда 4 қарра ошди. Бу йил 310 минг нафар ёшлар талаба бўлди. Уларнинг қар-ийб ярми қизлардир.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари таъ-лим сифати масаласига алоҳида тўхталди.

Давлат таълим муассасаларида 46 минг нафар, хусусий ташкилотларда эса 38 минг нафар педагог 5 йил давомида малака оширмагани қайд этилди. Бу йил сунъий интеллект ва рақамли техноло-гиялар ёрдамида ўтказилган аттестация жараёндарида 21 минг нафар педагог ма-лака бўйича етарли балл тўплай олмаган. Афсуски, бундай ҳолатлар ўқувчиларнинг билимига салбий таъсир қўсратмоқда.

Шу бонс, таълим сифатини янги бос-қичга қўтариш бўйича 7 та йўналишда вазифалар белгиланди.

Биринчи йўналиш. Абдулла Авлоний номидаги институт педагогларда касб ма-ҳоратини оширишга масъул бўлади. Инс-титутнинг 12 та ҳудудий марказини за-монавий қиёфага келтириш ва жиҳозлаш учун яқин 3 йилда бюджетдан ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади. Малака оши-ришда вазирлик — малака ошириш мар-кази — мактаб ва боғчани боғлайдиган вертикал тизим йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, жойларда 1 минг 300 та таянч мактаб ва 200 та боғча тан-лаб олиниб, ёш педагоглар учун “Касбий ривожланиш кунни” ва “Касбий ривожла-ниш соати” ташкил этилади. Бунинг учун етакчи ўқитувчиларнинг иш ҳақига 20 фойз устама қўшилади.

Иккинчи йўналиш. Муаллимларни қўтлаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш давом эттирилади. Кел-гуси ўқув йилидан халқаро стандартлар асосида малака сертификатини бериш йўлга қўйилади. Синовларда 86 ва ундан юқори балл олган педагоглар қўшимча 70 фойз устама олади.

Давлатимиз раҳбари “Йил ўқитувчи-си” танлови ўтказилиб, 208 та туман ва шаҳардан ғолиб бўлган ўқитувчилар-га совға сифатида уй-жой берилишини эълон қилди.

Шунингдек, ҳар йили санаторий ва дам олиш масканларига юбориладиган ўқитувчилар сони 2 баробар оширилди. Бир йил олдин мактаб директорларини ўқитиш тизими жорий этилган эди. Бу-гунги кунда улардан 1 минг 206 нафари менежерлик сертификатига эга бўлди. Ҳозир ана шу директорларга ўртача 3 миллион сўм устама берилмоқда.

Энди бу амалиёт 2025 йил 1 сентябр-дан боғча мудираларига ҳам татбиқ эти-лади ва уларга ҳар ойда 30 фойзгача қў-шимча устама тўланади.

Билимдон ва жонқуяр ўқитувчилар халқнинг ноёб бойлиги экани таъкидла-ниб, улар ҳақида “Устозга эҳтиром” но-ми китоб ва фильмлар яратиш зарурлиги айтилди.

Учинчи йўналиш. Аҳоли ўсиши ту-ғайли йилига мақабларда 120 мингта, боғчаларда 30 мингта қўшимча ўринга талаб юзага келмоқда.

Келгуси йили бюджетдан ажрати-ладиган 3 триллион 200 миллиард сўм ҳисобидан 375 та мактаб ва 97 та боғча реконструкция қилинади ва янгилари қу-рилади.

Бундан ташқари, Ислот тараққиёт банки ва ОПЕК жағгармасининг 50 мил-лион доллар маблағи доирасида келгуси 4 йилда 200 та хусусий боғча қурилиб, янги 30 мингта ўрин яратилади.

Янги йилдан бошлаб, хусусий сектор-да ўқувчи ўринларини кўпайтириш учун мактаб оцадиган тадбиркорларга 20 мил-лиард сўмгача кредит ажратилади. Кре-дит фойзининг асосий ставкадан 1,5 баро-бар ошган қисми бюджетдан қопланади.

Шунингдек, янги қуриладиган хусусий мактаб бинолари учун коммунал харажат-ларнинг 50 фойзи 5 йил муддатгача бюд-жетдан тўлаб берилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ўз ҳи-собидан мактаб курса, унга кетган хара-жатлар фойда солигидан икки йил даво-мида тенг улушларда чегириб ташланади.

Тўртинчи йўналиш. Таълимда сифат ва рақобатни таъминлаш учун рақамлаш-тириш даражаси оширилади.

Ўтган 5 йилда 13 минг 500 дан ортиқ компьютер синф хоналари 200 мингта за-монавий компьютер билан таъминланди. Келгуси йил яна 2 мингдан зиёд компь-ютер синфлари янгиланади, бунга бюджет-дан 400 миллиард сўм берилади.

Ана шу компьютерларга электрон таълим контентлари юкляниб, болалар учун мустақил таълим олиш имконияти ошади. Ўқувчилар муррабаб концепция-ларни осон ўлаштириши учун аниқ ва табиий фанлар бўйича виртуал лабора-ториялар ташкил этилади. Янги ўқув йилидан бошлаб бундай лаборатория-лар ҳар бир вилоятда 10 тадан мактабда қилинади.

Шунингдек, мактаб тизимида ўқитув-чи ўз имконияти ва ютуқларини, янги иш-ланмаларини эълон қилиши учун ягона онлайн платформа яратилади.

Сингапурлик 16 нафар эксперт матема-тика ва табиий фанлар ўқитувчиларининг касб маҳоратини оширади. Педагоглар сунъий интеллектга асосланган таълим платформасида билимларини бир йил да-вомида мунтазам синовдан ўтказида.

Хусусий боғчалардагидек, 6 минг 800 та давлат боғчаларида ҳам давомат, тў-ловлар, озиқ-овқат харажатларини шакл-лантириш тўлиқ рақамлаштирилади.

Бешинчи йўналиш. Президент мактаб-лари ва иختисослашган мактаблар тажри-баси оммалаштирилади.

Бу йўналишда яна 1 мингта умумтаъ-лим муассасаларда Президент мактаблари ва иختисослашган мактаблардаги баҳо-лаш тизимини жорий этиш бошланди. Ҳокимликларга уларни таъмирлаш ва зарур даражада жиҳозлаш бўйича

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон, оила ва жамият фаровонлигига эришамиз

ЎZLiDeP

Бугун Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий майдонда етакчи куч сифатида ўзини тўла-тўқис намоён этиб келмоқда. Партия ўзининг “Ваъда эмас — натижа, эртага эмас — бугун” эзгу шиорини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда кечаётган изчил ва ҳаётий ислохотларни давом эттириш маъносида кўрмоқда.

Бинобарин, партия мамлакатимиздаги изчил ислохотларнинг бош мақсоди инсонга, унинг эркин ҳаёти, кадр-қиммати ва фаровонлигига қаратилганини эътироф этади ва бу курашда доим собитқадам эканини эълон қилади. Ўзбекистонда қулай инвестиция ва бизнес муҳитини яратиш, саноатнинг юқори тармоқларига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, саноатнинг рақобатбардошлик индекслари бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан ўрин эгаллашига кўмаклашиш партиянинг эзгу мақсадлари ҳисобланади.

Шу маънода, партия халқ фаровонлиги учун **5 мақсад ва 500 вазифа**ни ўз ичига олган сайловолди дастурини ишлаб чиқди. Дастурдаги биринчи мақсад **барқарор иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон, оила ва жамият фаровонлигига эришиш бўлиб, бу партиянинг асосий ғояларидан биридир.**

Тадбиркорлик оддий ёки тор маънодаги тушунча эмас. Унинг замирида ривожланиш, тараққиёт ва одамларнинг эртанги кунга интилиши мужассас. Қолаверса, тадбиркорлик жамият ҳаёти, давлат манфаатларини муҳасамлаштирган, инсон эркинлиги ва ҳаётий мақсадлари рўёби йўлидаги салмоқли куч-қудратдир. Шундай салоҳиятга эгаки, у ҳаракатланса, шиддат олса, юртни ҳам, одамларни ҳам, давлат иқтисодиётини ҳам юқори босқичга, истиқбол ва ёрқин йўлларга олиб чиқади. Бугун юртимизда тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун қулай бизнес муҳити яратилгани, барча муаммолари ҳал этилаётгани туйғайли соҳада сезиларли натижалар қайд этилмоқда.

Ўзбекистоннинг дунёнинг даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши асосий мақсадимиз экан, бу ҳам, аввало, тадбиркорларга қулай имконият, эркинлик, қулай бизнес муҳити яратиш орқали амалга оширилади. ЎzLiDeP бу борадаги сайъ-ҳаракатларни давом эттириш юрт истиқболи учун энг мақбул йўл деб ҳисоблайди.

Биз 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини **160 миллиард долларга**, аҳоли кенг бошига тўғри келадиган даромадни эса **4 минг долларга** етказишни мақсад қилганимиз. Партиямиз сайловолди дастурида бу вазифа қатъий белгилаб қўйилгани эса ҳаммамизга жуда катта масъулият юклайди.

Ўзбекистонни тадбиркорлар мамлакатига айлантирамиз. Энг муҳими, биз ҳақиқий фидойи, юрагида ўти бор, элни, юртни ўйлайдиган тадбиркорлар тарафидамиз. Уларни қўллаб-қувватлашдан ҳеч қачон чекинмаймиз. **Тадбиркорлар саноатини 3 миллион нафардан ошириш** учун барча зарур чораларни кўрамыз. Фақат самарали меҳнат, ақл-идрок ва сadoқат билан ўзимиз кўзлаган марраларга етишишимизга ишонамиз. ЎzLiDeP бу йўлда доим собитқадамдир.

✓

Барқарор иш жойларини яратиб, камбағалликни қисқартирамиз

Кейинги йилларда камбағалликни қисқартириш, аҳолини кичик ва хусусий бизнестга кенг жалб этиш, шу орқали даромадини ошириш, фаровон ҳаёт кечирishiни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу маънода, юртимизда камбағаллик кўламини **икки карра камайтириш**, энг аввало, аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг **маҳаллабй дастурларини** ишлаб чиқиш ЎzLiDeP Сайловолди дастурида асосий масала сифатида белгиланган.

Ушбу дастурларни ҳаётий ва халқчил тарзда тайёрлашда ЎzLiDeP “**маҳалла еттилиги**” билан ишларни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратади. Мақсадимиз ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва умумий бандлигини оширишга ҳисса қўшишдан иборатдир. Зотан, кичик ва ўрта бизнес ривожга аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартиришга кўмак беради.

Янгиланган Конституциямизнинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан қимом қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини қўриши белгиланган бўлиб, шунга асосан, партиямиз ўз Сайловолди дастурида туман, шаҳар, маҳаллаларнинг алоҳида **мастер-режисларини** ишлаб чиқишни, **тадбиркорлик оммавий тус олишига эришиш**ни ўз вазифаси деб билди.

Тадбиркорлик жамият ҳаёти, давлат манфаатларини муҳасамлаштирган, инсон эркинлиги ва ҳаётий мақсадлари рўёби йўлидаги салмоқли куч-қудратдир.

ЎzLiDeP

Партия томонидан “**Капитал бозорини ривожлантириш тўғрисида**”ги қонуни ишлаб чиқиш, **криптоактивлар бозорини ривожлантириш ва соҳадаги қонунчиликни либераллаштириш, хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини** ташкил этиш бўйича бидирилган тақлифлар Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлат харидчида шаффофликни ошириш ва унда кичик бизнес иштирокини янада кенгайтириш мақсадида “**Давлат харидлари тўғрисида**”ги қонуни тақомиллаштиришда фаол иштирок этамиз.

Партия томонидан “**Капитал бозорини ривожлантириш тўғрисида**”ги қонуни ишлаб чиқиш, **криптоактивлар бозорини ривожлантириш ва соҳадаги қонунчиликни либераллаштириш, хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини** ташкил этиш бўйича бидирилган тақлифлар Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлат харидчида шаффофликни ошириш ва унда кичик бизнес иштирокини янада кенгайтириш мақсадида “**Давлат харидлари тўғрисида**”ги қонуни тақомиллаштиришда фаол иштирок этамиз.

✓

Барқарор, содда ва адолатли солиқ сиёсати тарафдоримиз

Биз солиқ маъмуриятчилиги тизимини соддалаштириш, **барча тадбиркорлар учун** солиқни тўлаш борасида **адолатли ва тенг шароитлар** яратиш, **солиқ ставкаларининг ўзгармаслигини** таъминловчи сиёсат юритиш йўналишида иш олиб борамиз.

Шу жиҳатдан **айланмадан олинадиган солиқ** тўловчилар учун товарларни реализация қилишдан олingan жами даромад миқдори чегарасини **БҲМнинг 5 минг** борабари даражасида белгиланиш тақлиф этамиз.

Солиқ ҳисоботларини топширишда хорижа қадар баъзи жойларда “сендан угина, мендан бутгина” қабилидаги ҳолатлар учраб турибди. Ҳисобот даври келганда тадбиркорларнинг юраги безилаяди. Шунинг учун биз бу иллатларга қарши кескин курашиб, **солиқ ҳисоботида инсон омили таъсирини кескин камайтириш** чораларини кўрамыз.

VA'DA EMAS, NATIJA Ertaga emas, bugun

Партиямиз Солиқ кодекси ва бошқа метёрий ҳужжатлардаги тадбиркорлик субъектининг ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўттиши учун айрим талабларни бекор қилишни тақлиф этади. Хусусан, **онлайн назорат касса** машиналарининг дастурий таъминоти давлат томонидан юритилишини жорий этиш орқали тадбиркорлар улардан фойдалангани учун ундириладиган **ҳар ойлик тўловни мақбуллаштириш** тарафдоримиз. Бу солиқ идоралари ва тадбиркор ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсир ўтказида.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, одамларимизда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, кичик бўлсада, ўз бизнесини йўлга қўйган ҳолда моддий фаровонликка эришишига кўмаклашиш асосий мақсадларимиздан биридир.

Ана шундай тараққийпарвар ислохотларга уруғ берилаятган бир пайтда айрим сиёсий партиялар, антиқроги, Халқ демократик партияси ўзининг асосланмаган қарашлари ва ғоялари билан омма эътиборини ўзига қаратишга уринмоқда. Масалан, улар **даромад ва уларнинг манбаларидан қатъи назар, бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизимини жорий қилиш** ташаббуси билан чиқмоқда.

ХДПнинг мазкур тақлифи яширин иқтисодиёт ривожланишига, коррупциявий ҳолатларга, ноқонуний йўллар орқали пулларни ювиш авж олишига сабаб бўлишини англаш учун унчалик чуқур билим шарт эмас. Бундай жиддий масалаларда юзаки ёндашиб бўлмайди.

Мавзунинг давомии сифатида яна бир партиянинг солиқ сиёсати борасида илгари сураётган тақлифи ўринсиз эканини таъкидлаш жоиз. “Адолат” социал-демократик партияси “**солиқлар ва бошқа қайта тақсимлаш воcиталари орқали аҳоли даромадларини тенглаштириш сиёсатини юритиш**” ғоясини

илгари сурмоқда. Очигини айтганда, таҳлил қилмасдан қабул қилинган ташаббус фуқаролар ва тадбиркорларимизнинг иштиёқини сўндиради. “Қанча кўп меҳнат қилсам ҳам, ҳаракат қилсам ҳам имкониятларим кенгаймас экан”, деган умидсизликни пайдо қилади. Зотан, кўп даромад олган шахсларни кўп даромад олгани учун солиқлар орқали “жазолаш” ёки жамиятдаги ижтимоий юқини уларнинг зиммасига юклаш адолатсизликдир.

✓

Саноат тармоқларини ривожлантирамиз

Юртимизда илгор технологияларга асосланган саноатни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Энди биз саноат маҳсулотлари ҳажмини **1,4 баравар**, меҳнат унумдорлигини **икки баравар** ошириш, **115 миллиард долларлик** йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича зарур чораларни белгилаймиз. Саноатда таннархни камайтириш сиёсатини юритамиз.

Мамлакатда саноат қанча тараққий этса, иш ўрни кўпаяди, аҳолининг оилавий бюджети мустаҳкамланади, камбағаллик чекинади. Бунинг учун бизда имкониятлар жуда кенг ва ундан унумли фойдаланиш учун барча куч ва салоҳиятни ишга солишга киришамиз. Саноатда қўшилган қиймат ҳажмини **45 миллиард** долларга етказиш ва **2,5 миллионга** юқори даромадли иш ўрни яратиш учун астойдил иш олиб борамиз.

5 MAQSD 500 VAZIFA

Кичик саноат зоналарида инвестиция мажбуриятини бажарган тадбиркорларимизга **ер участкаларини хусусийлаштиришга** рухсат беришнинг қонуний асосларини яратамиз. Салоҳиятли тадбиркорларга кичик ва ёшлар саноат зоналаридан **10 йилгача** бўлиб тўлаш имтиёзи билан ер ажратилиши тарафдоримиз.

Партиямизнинг мақсадларидан бири **Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини йилгига 1 миллион донага етказиш**дир. Бу ташаббус электротаримиз талабларига жавоб беради ва иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, мамлакатимизни **минтақавий “тўқимачилик хаби**”га айлантириш

2023 Awards” номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Бундан ташқари, мамлакатимиз “**Lonely Planet”** халқаро нашриёт компанияси томонидан 2024 йил учун “**Ўзбекистон — энг яхши саёхат максани**” номинацияси ғолиби бўлди.

Ишончимиз қомилки, мазкур ижобий натижа ва эътирофлар хорижда ҳеч қимни бефарқ қолдирмасдан, мамлакатимизга сайёҳлар оқими ва валюта тушумларини кўпайтириш, пировардида иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш имконини беради.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг мавжуд туризм салоҳияти бундан-да юқори иқтисодий ривожланиш потенциалига эга. Аммо бизда ҳали туризмни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олинаётгани йўқ. Келаётган сайёҳларга қулай шарт-шароит яратишда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Бу эса тадбиркорлардан соҳани ривожлантириш бўйича тизимли изланиш ва оқилона ечимлар ишлаб чиқишни талаб этади.

Янги Ўзбекистонда **сайёҳлик индустрияси кенгайиши** учун ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ҳудудларнинг туризм мастер-режисларини ишлаб чиқамиз. Агротуризм имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида “**Агротуризм — 2030**” стратегиясини ишлаб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Қорақалпоғистон Республикаси ва Оролбўйида **экотуризмни ривожлантириш** бўйича алоҳида дастур қабул қилинишига кўмаклашамиз.

Бундан ташқари, туризмни ривожлантириш учун инфратузилмани ривожлантириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу борада давлат-хусусий шериклиги асосида **транспорт, йўл қурилиши, сув хўжалиги** каби устувор соҳаларга **14 миллиард доллар** инвестиция жалб этишга ҳар томонлама кўмаклашлайди.

Йирик аэропортлар модернизация қилиниши, **хусусий авиакомпаниялар** сони янада кўпайиши бўйича чоралар қўрилади. Интернет инфратузилмаси ҳам алоҳида эътиборимизда бўлади. Қишлоқ ва овулларни интернет билан **тўлиқ қамраб олиб**, унинг тезлигини **10 карра** оширамиз.

✓

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаймиз ва аграр соҳани ривожлантирамиз

Бугун ҳаёт олдимизга қўяётган улкан масалалардан бири **озиқ-овқат хавфсизлигига** эришишдир. Бу масаланинг долзарблиги шундаки, бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда

ҳам сув танқислиги, экологик беқарорлик, қўланиш, деградация ва глобал иссиҳи каби омиллар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга салбий таъсирини ўтказмасдан қолмапти. Айнқикса, сув танқислиги, қуьроқчилик, иқлим ўзгаришлари фермер ва деҳқонларни қийин аҳволга солиб қўймоқда. ЎzLiDeP янги Сайловолди дастурида озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш йўлидаги ислохотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан олинадиган ўртача даромадни ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Шу боис, 1 гектар ердан олинадиган даромадни **5 минг долларга етказиш**ни таъминлаш муҳим вазифамиздир.

Фойдаланилмаётган майдонларни ўзлаштириш ҳисобига **300 минг гектарда** интенсив бог ва узумзорлар барпо этсак, бу ҳам яхшигина даромад келтиради. Маҳсулотни қайта ишлаш ва экспортга чиқариш имконияти янада ошади. Бунда маҳсулотларни йнгиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган агрологистика марказлари жуда муҳим. Шуни эътиборга олган ҳолда, **2,5 миллион тонна** қувватга эга

ҳам сув танқислиги, экологик беқарорлик, қўланиш, деградация ва глобал иссиҳи каби омиллар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга салбий таъсирини ўтказмасдан қолмапти.

Айнқикса, сув танқислиги, қуьроқчилик, иқлим ўзгаришлари фермер ва деҳқонларни қийин аҳволга солиб қўймоқда. ЎzLiDeP янги Сайловолди дастурида озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш йўлидаги ислохотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан олинадиган ўртача даромадни ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Шу боис, 1 гектар ердан олинадиган даромадни **5 минг долларга етказиш**ни таъминлаш муҳим вазифамиздир.

Фойдаланилмаётган майдонларни ўзлаштириш ҳисобига **300 минг гектарда** интенсив бог ва узумзорлар барпо этсак, бу ҳам яхшигина даромад келтиради. Маҳсулотни қайта ишлаш ва экспортга чиқариш имконияти янада ошади. Бунда маҳсулотларни йнгиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган агрологистика марказлари жуда муҳим. Шуни эътиборга олган ҳолда, **2,5 миллион тонна** қувватга эга

✓

Туризм — мамлакат иқтисодиётининг драйвери

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа. У даромадлилиги бўйича дунёда юқори ўринларда туради. Яна бир муҳим жиҳати, кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради. Шу боис, партиянинг Сайловолди дастурида ҳам иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг асосий ва истиқболли таянч нуқтасидан бири сифатида туризм соҳасини тизимли ривожлантириш тақлиф этилмоқда.

Бу борада ватанимизнинг бой маданияти ва туристик салоҳиятини жаҳонга тарбиҳ қилиш, эришилган ютуқлар, халқаро эътироф ва совринлар, яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар хорижий сайёҳларни, халқаро ташкилотларни беъътибор қолдираётгани йўқ.

Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) **Бош Ассамблеясининг** 2023 йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган **25-сессиясида** Навоий вилоятидаги Сентоб қишлоғи “**Best Tourism Village**

100 та агрологистика марказини ташкил этиш бўйича ҳам иш олиб борамиз. Партиямиз органик маҳсулот етиштираётган фермер хўжаликларига солиқ имтиёзлари жорий этиш тақлифини илгари сурмоқда. Бу ҳар жиҳатдан тўғри ва адолатли бўлади.

Тадбиркорлар ҳаётини қузаатиб шу жиҳатга эътибор қаратдикки, **улар учун “Агросаноат кластерлари тўғрисида”ги қонуни** ишлаб чиқишга эҳтиёж мавжуд ва биз бу борада қатъий иш олиб борамиз.

Деҳқон хўжаликлари ўртасида **кооперация** алоқаларини ривожлантиришнинг **ҳуқуқий асосларини яратамиз.**

Фермер ва деҳқонларга **имтиёзли кредитлар** ажратиш, уларни **қайтариш муддатларини мавсумийликдан** келиб чиққан ҳолда белгиланиш тақлиф қиламиз.

Биз қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришларига мос ҳолда ривожлантириш, туپроқ ва йилловлар деградациясининг олдини олиш юзасидан **миллий дастур қабул қилиниши** тарафдоримиз. **Хориждан** серҳосил, касаликларга чидамли ўсимлик уруғлари, кўчатлари **олиб кирилиши йўлидаги тўсқинларни олиб ташлаш** чораларини кўрамыз.

Соҳага **15 миллиард доллар** инвестиция жалб этишни таъминлаш ташаббусини амалга оширишга кўмаклашамиз.

Фермер ва деҳқонларнинг **ҳуқуқларини ҳимоя қилишда** Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томонра ер эгалари кенгашининг **имкониятларини кенгайтириш**ни тақлиф этамиз.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ҳақиқий **бозор активига** айлантириш, **ижара ҳуқуқини** бўлиб сотиш, ундан **ғаров предмети** сифатида фойдаланиш учун қонуний базани янада тақомиллаштириш тақлифи илгари сурилмоқда.

Ер масаласида ҳар қандай қарор қабул қилишдан олдин “етти ўлчаб бир кесиш” зарур. Чунки ер — чекланган ресурс. Унинг ҳар бир қаричидан унумли ва самарали фойдаланиш бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Бунга боғлиқ масалаларга юзаки ёндашиш ортиқча ҳаттарлар келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастуридаги бир тақлиф шу жиҳатдан етарли даражада асосланмаганини кўрсатади. Уларнинг фикрича, “**экин майдонига айлантириш имконияти бўлмаган чўл ҳудудлардаги самарасиз ерларни ўзлаштириш тақикланиши керак**”. Бу ёндашув замонавий иқтисодий ва технологик имкониятларни инкор қилади.

Аслида, чўл ҳудудларини ўзлаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятлари бугунги кунда тобора ўсиб бормоқда. Қўллаб хорижий мамлакатларда чўл ҳудудларида куёш электр станциялари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган технологиялар асосида агрофирмалар яратиш бўйича юқори самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Самарасиз деб ҳисобланган ерлар ҳам замонавий ёндашувлар орқали иқтисодий манфаат келтириши мумкин.

Шу сабабли Экологик партиянинг ушбу тақлифига ердан фойдаланиш масаласида тақиқларни эмас, инновацион ечимларни жорий қилиш кўпроқ самара беради деб муносабат билдирамиз.

✓

Экспорт салоҳиятини янада юксалтирамиз

Бугун Ўзбекистон инвесторлар эркин ва тўлақонли фаолият юритаётган мамлакат сифатида дунёга танилмоқда. Шу боис, юртимизга хорижий инвестиция кириши ошиб бормоқда. Тадбиркорларимиз томонидан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам муттасил ўсиб, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Партиямиз давлатимиз томонидан бу йўналишда қилинаётган сайъ-ҳаракатларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда уни тизимли асосда давом эттириб, экспорт ҳажмини **45 миллиард долларга** етказиш ва экспорт географиясини кенгайтиришда фаол иш олиб боради.

50 та нуфузли **хорижий бренд** билан маҳсус экспорт зоналари ташкил қилиниши, экспортчи тадбиркорлар учун **кредит фoиз ставкалари камайтирилиши** борасида иш олиб борилади. Ҳар бир туманда камид **мингта иш ўрни** яратадиган **2 тадан** янги саноат зонаси ташкил қилинади, IT хизматлар экспорти **5 миллиард** долларга олиб чиқилади.

Рақамли технологияларга ихтисослашган корхоналарнинг **экспорт фoлиятини жадаллаштириш** диққатимиз марказида бўлади.

Партиямиз янги Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги, юртимиз тараққиёти, давлатимиз раҳбари бошчилигидаги ислохотларни ва халқимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида қатъий бел боғлаган сиёсий куч!

Ғоя ва қарашларимиз тадбиркорлар, ишбилармонлар, бутун халқимиз сайъ-ҳаракатлари билан ҳамоҳанг ва уларни қўллаб-қувватлашга доим тайёрмиз!

Абдулло АСЛОНОВ,
ЎzLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари,
Ноҳир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

✓

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН
ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!



SAYLOV - 2024

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

ҚАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Жорий йил 22 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловли бўйича депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди. Мазкур жараён сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичи бўлиб, сайловчиларга сиёсий партиялар ва номзодлар билан яқиндан танишиш имконини беради.



Абдулазиз РАСУЛЕВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Сайловолди ташвиқоти ўзи нима ва ким томонидан олиб борилади?

Сайлов кодексига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир. Мазкур фаолиятдан қўзланган асосий мақсад — сайловчиларни улар учун овоз беришга қорлас. Бинобарин, сайловолди ташвиқотида сиёсий партия ва номзодлар сайловда галаба қозониш учун фаол ҳаракат олиб боради.

Сайловолди ташвиқоти нафақат номзодлар томонидан, балки:

- депутатликка номзод депутат этиб сайланиш учун унинг номидан **ишончли вакиллар**;
 - партия рўйхати бўйича номзодлар сайланиш учун **сиёсий партиялар ва уларнинг вакиллари** томонидан олиб борилиши мумкин.
- Айрим тоифадаги шахслар (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий хизматчилари, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, судьялар, сайлов комиссиялари аъзолари, диний ташкилотлар профессионал хизматчилари)нинг сайловолди ташвиқоти олиб бориши тақиқланади.

Қачон ўтказилади?

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодларни ва Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан қўрилган номзодлар рўйхатини белгиланган тартибда рўйхатга олиш учун белгиланган охириг куннинг **эртасидан** эътиборан бошланади ва овоз бериш бошланишидан **бир кун** олдин тугатилади. Номзодлар ва партия рўйхатини рўйхатга олиш сайловга **ўттиз беш кун** қолганда тугалланади. Демак, рўйхатга олиш аяқланганидан сўнг ташвиқот тадбирлари бошланади.

Сайлов қонунчилигига кўра, сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганда ташвиқотга йўл қўйилмайди. Мазкур амалиёт халқроқ тажрибада **“сукунат” куни** деб аталади. Кўп-лаб хорижий мамлакатлар тажрибасида сайловдан бир (Франция, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Венгрия, Хорватия) ёки икки кун (Аргентина, Миср, Сербия), айрим давлатларда уч кун (Австралия, Индонезия, Чехия) олдин сайловолди ташвиқоти ўтказилмайди. Бироқ

биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари (жумладан, сайлов кунидан икки кун олдин) жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материалларини сайлов куни ва овоз беришдан бир кун олдин олиб қўйилиши мажбурий ҳисобланмайди. “Сукунат” кунидан қўзланган мақсад сайловчиларнинг мустақил танловини таъминлаш, четдан аралашув ва босимнинг олдини олиш ҳисобланади.

Ташвиқот қандай шакл ва усулларда олиб борилиши мумкин?

Номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар ва уларнинг вакиллари сайловолди ташвиқотини қонунда белгиланган шакл ва усулларда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Депутатликка номзодларга ва сиёсий партияларга ўзининг келгусидаги фаолияти дастури, сиёсий партиянинг дастури ва сайловолди платформасини ташвиқот қилиш ҳуқуқи берилади. Депутатликка номзодлар ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда сайловолди ташвиқотида сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборот ёки депутатликка номзод ва сиёсий партия тўғрисидаги ахборот тарқатилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти ОАВ, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали, босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан бевосита учрашувлар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Айтиб ўтиш лозимки, депутатликка номзодларнинг таржimai ҳоли ва уларнинг сайловолди

дастури, шунингдек, партия рўйхати ва сиёсий партияларнинг дастури тўғрисидаги тегишinchа Марказий сайлов комиссияси ва бошқа сайлов комиссияларининг ахборот материаллари (плакатлари) сайловолди ташвиқоти материаллари ҳисобланмайди.

Сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг турлари, шакл ва усулларининг мазмун-моҳияти номзодлар ва сиёсий партиялар томонидан мустақил белгиланади.

Умуман олганда, сайловолди ташвиқоти даврида уни олиб боришнинг қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай турлари, шакл ва усулларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

Унда нималарга йўл қўйилмайди?

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Ташвиқот давлат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилмаган бўлиши, халқнинг саломатлиги ҳамда маънавиятига таҳдид солмаслиги, уруш, миллий нафрат, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилмаслиги, конституций тўзумини зўрлик ишлатиб ўзгартириш, фуқароларнинг конституцийвий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини чекловчи ҳаракатларга даъват қилмаслиги керак.

Шунингдек, сайлов жараёнида нотўғри ахборотни тарқатиш, шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини бузиш, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган ҳар қандай маълумотларни, шунингдек, ёлгон (шу жумладан, чалгитадиган ёки адаштириб юборадиган даражадаги), бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зиён етказувчи ҳар қандай сайловолди ташвиқоти материалларини, шу жумладан, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланади.

Бундан ташқари, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида давлат ҳокимияти



ОАВ ТОМОНИДАН ЭФИР ВАҚТИ, НАШР МАЙДОНИ УЧУН БЕЛГИЛАНДИГАН ҲАҚ ТўЛАШ ШАРТЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ТАЛАБЛАР БАРЧА УЧУН ТЕНГ ВА БИР ХИЛ БўЛИШИ КЕРАК.

ва бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти вақтида ҳар қандай сиёсий партия ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланади.

Сайлов комиссиялари ҳолис бўлишини инобатга олган ҳолда, уларнинг аъзолари партия рамзлари туширилган кийим кийиш, тақинчоқ тақиши ва бошқа белгилардан фойдаланиши мумкин эмас.

Зарур шарт-шароитлар қандай яратилади?

Сайловолди ташвиқоти доирасида тегишли шарт-шароитлар яратилиши қонунчиликда белгиланган.

Депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилади.

Сайловчилар билан учрашувларни самарали ташкил этиш мақсадида номзод ўзи рўйхатга олинган сайлов округи жойлашган ҳудудда

барча турдаги давлат йўловчи транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга (бундан шахар йўловчи транспорт, такси ва бошқа транспорт турларининг бюртгма қилинадиган рейслари мустасно). Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод сайлов округига бориш ва яшаиш жойига қайтиш учун уларда **текинга юриш** ҳуқуқидан фойдаланади. Мазкур ҳуқуқларни таъминлашга доир зарур чоралар транспорт соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан қўрилади.

Номзодлар ва сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш мустақил амалга оширилиб, бунинг учун сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида тегишли ҳудудий, туман, шахар ёки участка сайлов комиссиясига **маълум қилиб**, туман (шаҳар) ҳокимликларини камида уч кун олдин ёзма равишда **хабардор қилишнинг** ўзи етарли. Яъни мазкур тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб қилинмайди.

Учрашувларни ташкил этишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари **қўмақлашиши** лозим. Бунинг учун мазкур давлат органлари, ижро ва ташкилотлар учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда **ердан кўрсатиши шарт**.

Тенглик қандай таъминланади?

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб бориш борасида **тенг ҳуқуқларга** эгаллиги кафолатланган.

Сайловолди ташвиқотини олиб бориш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг ҳажми Марказий сайлов комиссияси томонидан **тенг улушларида** белгиланади ва сиёсий партиянинг тегишли ҳисобварағига ўтказилади.

Рақамли технологияларни статистика соҳасига интеграция қилишдан асосий мақсад юқори сифатли статистик маълумотларнинг барча фойдаланувчилар учун осон ва тушунарли бўладиган экотизимини яратишдир. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан статистик маълумотларни тўплаш мақсадида 20 га яқин вазирлик ва идораларнинг 30 дан ортиқ маъмурий маълумотлар базаси интеграция қилинди. Натижада фойдаланувчиларга ишончли статистик маълумотларни тақдим этиш ҳамда мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат бўйича 100 дан ортиқ турдаги муҳим статистик кўрсаткичларни онлайн янгитлаб бориш ва эълон қилиш, статистик-таҳлилий маълумотларни излаш вақтини тежаиш имконияти яратилди.

Статистика агентлиги мутахассислари эришилган ижобий натижалар таҳлилига ҳам алоҳида тўхталиб, тажрибаси билан ўртоқлашади.

2023 йилда халқроқ ташкилотларнинг 49 та саволномаси, жумладан, БМТ Статистика бўлимининг 10 та, БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг 5 та, ЮНЕСКО статистика институтининг 9 та, Халқроқ меҳнат ташкилотининг 2 та, Халқроқ электролоқа иттифоқининг 2 та ва бошқа халқроқ ташкилотларнинг 14 та саволномаси тўдирилиб, ўз вақтида тақдим этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Open Data Inventory (ODIN) очик маълумотлар рейтингинида 195 мамлакат орасида 70 балл билан 30-ўринга қўтарилиб, Марказий Осиёда 1-ўринни сақлаб қолмоқда. БМТ Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи ва халқроқ экспертлар томонидан эълон қилинган BPM рейтингинида 71,1 индекс билан 166 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллагани, Open Data Watch ташкилотининг сўнгги ҳисоботида “Очик гендер маълумотлари индекси”да 69,7 балл тўплаган ҳолда жаҳондаги энг яхши 20 мамлакат орасидан жой олгани, БМТ Статистика бўлимининг расмий веб-саҳифасида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича энг илғор тажрибага эга 87 давлат қаторига кирилгани ҳам диққатга сазовор.

Сайлов кодексига мувофиқ, ташвиқот олиб борилаётганда давлат ОАВларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан **тенг шароитлар** таъминланади.

ОАВ сайловолди ташвиқоти даврида бепул ажратилдиган эфир вақти ва нашр майдони доирасида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга зарур шарт-шароитлар яратиб, янгиларни дастурлари ва бошқа ахборот материалларида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди тадбирларини ёритишда тенглик принциплари риоя қилиши керак. Бу турдаги материаллар сайловолди ташвиқоти материаллари эканлиги ОАВларда қайд этиб борилади.

ОАВ томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун **тенг** ва **бир хил** бўлиши керак.

Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 20 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ва сиёсий партиялар учун сайловолди ташвиқоти мақсадида ОАВдан бепул фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти белгиланди. Хусусан, мазкур қарор билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий телеканаллари, радиоканаллари, ҳудудий телерадиоканаллари ҳамда уларда бепул ажратилдиган эфир вақти ҳажми, марказий нашрлар (“Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Овози тожик”, “Нурлы жол” газеталари) ҳамда маҳаллий газеталарда бепул ажратилдиган нашр майдони ҳажми белгиланди. Маҳаллий кенгашларга сайловларда ОАВдан тенг фойдаланиш масаласи тегишли сайлов комиссиялари томонидан ҳал этилади.

Талабларни бузаганлик учун қандай жавобгарлик чоралари бор?

Амалдаги қонунчиликда сайловолди ташвиқоти талабларини бузаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан:

— Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг қарорлари (шу жумладан, бепул ва бир хил эфир вақти ва нашр майдони ҳақидаги қарорлари)ни ижро этмаслик;

— номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини (хусусан, сайловолди ташвиқоти даврида ҳам) бузиш;

— сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш;

— сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлгон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш;

— биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга тайёргарлик қилиш ва сайлов ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш;

— жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, шунингдек, сайлов билан боғлиқ бошқа тадиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш **маъмурий жавобгарликка** сабаб бўлади.

Фуқароларнинг депутат сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка номзод шахсининг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўқсинлик қилиш эса **жиноий жавобгарликини** келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сайловолди ташвиқоти муҳим сиёсий жараён, амалдаги қонунчилик мазкур тадбирларнинг ҳар томонлама самарали амалга оширилишини, номзодлар ва сиёсий партиялар учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди.

СТАТИСТИКАДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА МАЪЛУМОТЛАР МАНБАЛАРИ

Форум олдидан

Усмон АБДУРАСУЛОВ, Статистика агентлиги ахборот хизмати раҳбари

Жорий йил 2-4 октябрь кунлари пойтахтимизда “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг II халқаро статистика форуми: статистикада янги технология ва маълумотлар манбалари” мавзусида навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, МДХ ижроия қўмитаси ва давлатлараро Статистика қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этиладиган форумда 150 дан зиёд қатнашчи, жумладан, БМТнинг Статистика бўлими директори, БМТ ЕИК Статистика бўлими директори ҳамда 20 га яқин хорижий давлатларнинг статистика идоралари раҳбарлари ва бошқа халқаро ташкилотлар экспертлари иштирок этади.

Форум фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга талаби ва эҳтиёжини таъминлаш йўлида статистика идоралари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, шунингдек, анжуман доирасида статистик маълумотларни тайёрловчилар ва улардан фойдаланувчилар ўртасида мулоқотни яхшилаш ҳамда очкилик, долзарблик ва шаффофлик тамойиллари асосида статистик маълумотларни эълон қилиш каби масалалар муҳокама қилинади.

Маълумотларни бошқариш, ахборот

ресурсларининг миллий даражада интеграцияси йўналишида Россия, Беларусь, Арманистон ва Тожикистон давлатлари тажрибаси тақдироти ўтказилади. Бу борада Ўзбекистондаги ишлар тўғрисида Рақамли технологиялар вазирилик ва Статистика агентлиги мутахассислари ҳам тақдирот қилиб, турли манбалардан олинган маълумотларни бирлаштириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, респондентларга ҳисобот юкини камайтириш юзасидан ахборот беради.

Статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг янги технологиялари йўналишида Беларусь, Сербия ҳамда Ўзбекистонлик мутахассислар, шунингдек, Евроосиё иқтисодий комиссиясининг Статистика департаменти, МДХ Статистика қўмитасининг Ахборот статистика ресурслари ва технологиялари бошқармаси, Халқаро валюта фонди маълумотларни бошқариш бўлими вакиллари ва бошқа халқаро экспертлар ўз тажрибалари бўйича тақдиротлар қилади. Сессия давомида статистик

Ўқитувчи ва
мураббийлар кўни

ЭЪТИРОФ, РАФБАТ ВА ИМКОНИЯТЛАР

ПЕДАГОГЛАРНИ ЎЗ УСТИДА ИШЛАШГА РУЎЛАНТИРМОҚДА

Йиғилишда мамлакатимизда иқтидорли ёшларни селекция йўли билан танлаб олиш бўйича илгари бўлмаган янги тизим йўлга қўйилгани таъкидланди. Натижада бу йилнинг ўзида халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларими 122 та медални қўлга киритди. Мактаб битирувчиларини оли таълимга қамраб олиш даражаси сўнгги етти йилда 4 қарра ошди. Бу йил 310 минг ўғил-қизимиз олийгоҳлар талабаси бўлди. Ана шу ёшларнинг қарийб ярми қизлардир. Бундай натижа илгари ҳеч қачон бўлмаган.

Сўнги олт йилда олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик ва грант дастурларини доирасида 10 минг 726 профессор-ўқитувчи хорижий олий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилди. 2024 йилгача қадар яна 1544 профессор-ўқитувчи хорижда малака ошириш ва стажировка учун жўнаб кетади. Олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини янада

Агар энди ўқитувчилар зиёли ва ижтимоий ҳаётда берафқ бўлмаган аҳоли қатлами сифатида сайловларни ташкил этиши ва ўтказиш жараёнларида иштирок этиши, тест синовларида аудитория назоратчи сифатида вақсини бажариши, аҳолини рўйхатда олиш ишларида кўмаклашиши, таълим ташкилотларини тегишли тегишли ҳамда аттестациядан ўтказиш жараёнларида эксперт сифатида

ПЕДАГОГЛАРНИ ЎЗ
КАСБИЙ ФАОЛИЯТЛАРИДАН
ТАШҚАРИ ИШЛАРГА
ЖАЛБ ҚИЛИШ, БЕЛГИЛАНГАН
ХАТ-ЎУЖЖАТЛАРДАН ТАШҚАРИ
ЎИСОБОТ ВА МАЪЛУМОТЛАР
ТУЗИШ, ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ
ИШИНИ АСОСИЙ ТЕКШИРИШ,
ЎЗМА РОЗИЛИГИСИЗ ИШ
ЎАҚИДАН БИРОР ХИЗМАТ ЁКИ
ТОВАР УЧУН ПУЛ УШЛАБ
ҚОЛИШ ҚОНУН БИЛАН
ТАЎИҚЛАНДИ.

Олий таълим соҳасидаги профессор-ўқитувчиларга ҳам “Ўзбекистон — 2030”

Бу чора ўқитувчиларнинг меҳнат шaroitларини яхшилаш билан бирга, таълим жараёни сифатини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Ушбу ислохотнинг бир қисми сифатида университетлар ўз ўқув

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунли нафақат уларга миннатдорчилик билдириб, табриклаш, учун сабаб, балки ўқитувчилик касбини қандайд қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳақида ўйлаш учун имконият ҳамдир. Давлатимиз ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ўсиш учун шароит яратиш, муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш ва касб нуфузини ошириш бўйича катта ислохотларни амалга оширмоқда. Ўқитувчиликни жамиятдаги энг обрўли касблардан бирига айлантириш, мартабасини ошириш, рақобатлигири орқали кун сайин ўзгариб бораётган глобал меҳнат бозорига мамлакатимиз келажигани барпо этувчи рақобатбардош кадрларни етиштиришга эришамиз.



“ОЙЛИГИМ МИНГ ДОЛЛАРДАН ЗИЁД”

Одатдагидек эрта уйғонган муаллимнинг мактабда анчагина ишлари борлиги ёдига тушди. Ўзи дам олиш кунларини айтмаганда, доим бош қашишга вақти йўқ. Мазкур касбда иш бошлаганига ўн йилдан ортиқ вақт бўлибдики, ҳолат шундай.



Бугун ҳам вақтлороқ ҳаракат қилмаса, кечга қадар айрим нарсаларга улгуролмай қолиши аниқ. Ҳали тун ярмида чарчоқдан ўтирган жойида ухлаб қолавериб, ўқувчилар дафтарларининг ярми текширилмай қолганди. Шунинг охирига етказиш зарур. Соатига қаради. Ҳали тонг отишига бир оз бор. Шошганча чироқни ёқиб, яна суглга ўтирдиди, чала қолган ишнинг битказишга киришди. Ўқувчиларининг берилган топшириқни қанчалик бажарганини диққат билан текшириб чиқаркан, кўнгли анча хотиржам тортиди. Шоғирдларида анча ўзгариш бор. Лекин бу билан яхши натижага эришиб бўлмайди, кўпроқ тайёргарлик кўриш зарур. Ахир уларнинг олдида қўйилган мақсад ҳам анча юқори.

Столдаги охириги дафтарни текшириб бўларкан, аллақачон қуёш чиқиб, соат миллари саккизга яқинлашиб қолганди. Шошганча аёли тайёрлаб қўйган нонуштани еб, мактабга йўл олди. Қўлида каттагина портфель. Ичи

дафтар ва китобга тўла. У йўлда ҳам ҳаёлан ўйлаб борарди. Биринчи соат саккизинчи синфда дарси бор. Бугун уларга ўтиладиган мавзу бўйича кеча тайёрланган. Биринчи иши уй вазифаларини назоратдан ўтказиш керак. Шундан сўнг баҳолаш зарур... Шу пайт кўнғирок чалиниб, ҳаёлларини тўзғитиб юборди. Ҳар сафар ўқувчилар айнан Фарҳод муаллимнинг дарс ўтишини интиқлик билан кутади. Бугун ҳам шундай бўлди. Ҳали ўқитувчи келмасиданоқ илмга чанқоқ ёшлар устозни кутиб турганди. Бунинг ўзгача сабаби бор, албатта. Кўпчилик уйлаганидек, кимё фани ўнчалик қийин эмаслигини, аксинча, энг осони эканини амалда кўп бор исботлаган. Уларнинг шу фанга меҳрини оширган. Бунинг яна бир сабаби — устознинг дарс ўтиш услуби бошқаларникидан анчагина ўзгача. Дарсни эркин ўтиб, имкон даражасида мавзунинг оддий амалиётлар, ҳаётини воқеалар мисолида тушунтиришга интилади. Ҳеч бир киши савол беришга иккиланмайдми. Ҳар бирига қўлак тутган устоз токи тушуунча ҳосил қилмагунча қўймайди. Шунинг таъсирида бутун синф кимё фанига меҳри бошқача бўлиб шаклланиб, дарс вақти қандай ўтиб кетганини эса сезмай қолишади.

Куннинг иккинчи ярмида кўпчилик ҳам-касблари аллақачон уйига кетаётган бир пайтда у қўшимча машғулот ўтишга ҳозирлик кўраётганди. Албатта, қўшимча дарс олувчилар сафи ҳам анчагина. Камида тўртта гуруҳ. Айниқса, шу йил мактабни битирувчилар орасида шифокор бўлиш истагидоғилар анчагина. Шу боис, ҳар бир гуруҳга алоҳида мавзуларда машғулот ўттиш лозим.

Мактаб ҳовлисидаги дарахт тагига ўтиргич қўйиб, бир оз ҳордиқ чиқаришни мақсад қилганди. Бу ҳам кўпга бормадми. Муаллимни шоғирдлари қўймади. Кимдир аввалги топшириқдаги жавобларини



кўрсатишга шошилса, яна бирови бошқа мавзуда ўз фикрини тасдиқлашга интиларди. Ҳовлида бошланган машғулотлар синфхонага кўчди. Сўнги дарсини тугатганда қуёш аллақачон ботиб, атрофини тун пардаси қоплаётганди.

Муаллим кечки овқатни тановул қилгач, яна ишга киришди. Оиласидагилар ҳам бу одатга кўникиб қолган. Бундай пайтда уни безовта қилиб бўлмайди. Эртанги дарсларга ҳозирлик кўриш керак, ўқувчилардан олинган назорат ишларини текшириш зарур. Хуллас, телевизор кўриб, ёнбошлаб ётишга

сира вақти йўқ. У тун ярмига бориб бўлса-да, ҳориб эмас, аксинча, елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил бўлиб ётишга чоғланди. Ахир эртага шоғирдлари олдида юзи шувут бўлмайди. Бир соатлик дарсда нимадир бера олади. Олган маошини оқлайди. Бу, албатта, мароқли дам олишга сабаб бўлиши аниқ.

Фарҳод Ашуров Деҳқонобод туманидаги 77-мактабда иш бошлаганига ўн йилдан ошаётган бўлса-да, тиришқоқлиги, изланувчанлиги тўғрисида яхшигина натижаларга эришиб қўйди. У аслида талабалик даврида ноқ кимё фанига қизиқиши юқори бўлгани боис,

қатор танловларда иштирок этиб, иқтидорлилар сафидан жой олганди. Хусусан, бир неча бор фан олимпиадаларининг туман, вилоят босқичларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Олийгоҳдаги устозларининг ортидан эргашиб, бир қанча илмий мақоалар чоп эттирди. Бу изланишларини мактабда ишга кирганидан сўнг ҳам тўхтатгани йўқ. Ўқувчиларни кимё фанига қизиқтира олган ҳолда уларни турли фан олимпиадаларига етаклаб чиқмоқда. Ҳозирга қадар туман ва вилоят олимпиадаларига олиб чиққан шоғирдларини ҳисобласак, камида юздан ошиб кетиши аниқ.

Шу қаторда ўзи ҳам ҳар йили ютуқларини янгилаб боришдан чарчамайди. Жумладан, 2017-2018 ўқув йилида “Йилининг энг яхши ўқитувчиси” кўрик-танловига туман ва вилоят босқичларида эътироф этилиб, республика танловида биринчи ўринга муносиб кўрилди. Ўша йили “Халқ таълими аълочилиси” кўкрак нишони, 2021 йилда “Шўхрат” медали ҳамда “Халқ таълими фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Унинг ноанъанавий дарс ўтиб, ёшларнинг кимё фанига қизиқишини ошириш услуби мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида оммалаштирилган.

— Мен шу касбини танлаганимдан фахрланаман, — дейди Фарҳод Ашуров. — Ўқитувчиликнинг ўзига хос машаққатлари бор. Лекин шарафли. Бир пайтлар бу соҳада, айниқса, эркаклар ишлашни умуман хоҳламай қолганди. Бунга етарлича сабаблар бўлган. Биринчи навбатда, маош камлиги, вақтида берилмаслиги кўпчиликини мактабдан чиқиб кетиб, бошқа иш қилишга мажбур этган. Бугун эса барчаси бошқача. Ойлигимиз ўз вақтида берилмоқда. Бундан ташқари, ўз устида ишлаган муаллим ҳозирги кунда бемалол минг доллардан кўп маош олмақда. Бунинг учун фақатгина масъулият билан касбига ёндаша бўлгани. Гоҳида айрим ҳамкасбларининг еттишмовчиликлар ҳақида нолиш қилиб қолгани қўлоққа келинади. Аслида, бунга айбни бошқадан эмас, ўзидан излаши лозим. Ўқитувчиларга шунчалик имконият берилган



бир пайтда номига ишга бориб келувчи бўлмаслик керак. Биздан ўқувчилар ҳар кунни нимадир олишга ҳаракат қилади. Шунга яраша биз ҳам тайёр ҳолда мактаб остонасига уларга нимадир бериш учун қадам ташлашимиз зарур. Базиди айримлар кўп маош олаётганимга шубҳа билан қарайди. Шунда уларга бир кун давомида мен билан бирга вақтингизни ўтказиб кўринг, дея маслаҳат бераман. Бундан ташқари, меҳнатларим самараси шоғирдларимнинг ҳар йили эришяётган ютуқлари замирида номоён бўлаётганига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, ёш ўқитувчининг соҳадаги ютуқларини шоғирдларининг эришган натижаларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Хусусан, 33 битирувчининг кимё фани бўйича тайёрлаб, шу йилининг ўзида барчасининг талабалikka тавсия этилишига ҳисса қўйди. Қувонарлиси, улардан 24 нафари тиббёт олийгоҳига ўқишга қабул қилинган, 16 нафари эса юқори балл билан тест синовларидан ўтиб, грант асосида таълим олмақда.

Кейинги пайтда ўқитувчилар орасида энг кўп маош олувчилари ҳақида гап кетганда, асосан, хорижий тил мутахассислари тилга олинади. Лекин аслида имтиёз, имконият бошқа фан муаллимлари учун ҳам бор. Бунга кимё ўқитувчиси Фарҳод Ашуров фаолияти яққол мисол бўлади. Фақатгина астойдил меҳнат, доимий изланиш ва ҳаракат кифоя.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Замондошларимиз

Саккиз йил аввал академик лицейда ўқирдим. Бир кун “Эшитдиларингми, эртага ёзувчи ва олима Саригул Баҳодирова лицейимизга меҳмон бўлиб келар экан!” деган гап тарқалди. Ёзувчининг ижодий фаолияти, айниқса, қорақалпоқ характери, урф-одатлари акс этган “Тақдир” трилогияси, “Урушдан сўнг”, “Аёллар”, “Тўмарис ва Кир” қиссалари билан таниш эдим. Шунингдек, “Онамга хат” ҳикояси, халқ оғзаки ижоди, тарихдаги машҳур аёллар — Тўмарис, Зарина, Арухон, Акшоппан, Жупар ва Қумар она ҳақидаги бадий, илмий-публицистик мақоаларини ҳам ўқигандим. Шу боис, бу хабар ижодкорнинг мендек мухлисини жуда хурсанд қилган эди.

Саригул опа ўғиллари билан Тошкент шаҳрида яшарди. У ҳар гап Нукуста келганда онам меҳмондорчиликка чақириб турарди.

Бир марта опа шоғирдлари Зиеда Бекбергенова (у ҳозир филология фанлари доктори, профессор), Аксунгил Календерова билан бирга келди. Бир оз вақт ўтгач, тўқсон ёшлари қарашлаётган яна бир аёл улар сафига қўшилди. Кейин билсам, у катта олима, қорақалпоқистонлик аёллар орасида биринчи бўлиб Москвада филология фанлари номзоди диссертациясини ёқлаган тилшунос Раўфия ая Есемурадова экан!

Ўшанда онам “Санъат, маданият ҳақидаги гапларини эшитинглар, сабоқ бўлади”, деб биз — опа-сингилларни уларнинг ёнига ўтказиб қўйганди. Биз, ўсмир қизлар меҳмонларнинг ширин суҳбатини эшитиб, ижодига мафтун бўлган эдик.



Учрашув бўладиган кунни кечаси билан ўзим ёқтирган Тўмарис монологини қайта-қайта машқ қилдим: “Тирикчилигинда кўзинг қонга тўймаган эди. Ўзим сени одам қонига тўйдирайин!”.

Академик лицейдаги адабий кечада ушбу монологини ёддан айтиб тугатганимда залда ўқувчиларга қўшилиб, ўқитувчиларимиз ҳам йнглаб ўтирганини кўрдим.

Массажетлар маликаси Тўмариснинг ёвуз подшоҳ Кир II бошини қонли мешга тиккан жойини бутун дунё асрлар давомида ёдида сақлаб келяпти. У она бўлгани боис, яққаю ягона ўғли Сипарангис зolim ҳукмдор қўлида жон бергани учун урушни лаянатлаб, шу ишни қилган. Оналар урушни ёмон кўради, улар дунёга тириклик ҳади қилади. Улар Ерда ҳаётни давом эттирувчилардир.

Саригул Баҳодирова олима ва ёзувчи сифатида Қорақалпоғистонда танимайдиган одам бўлмаса керак. Унинг ажойиб асарларини такрор-такрор ўқиб зерикмайсиз. Олима Қораўзақ туманида туғилиб вояга етган. Ёшлугидан китоб ўқишга жуда меҳр қўйган. Мактабни тугатиб, Нукус давлат педагогика институтини таълим олган. Беш йил фақат аёло баҳога ўқиган. Иккинчи курсдан бошлаб ўша даврдаги давлат стипендиясини олган. “Аъло ўқимасам бўлмасди, уйдигарлардан менга деярли ёрдам келмасди”, деб эслади у талабалик йилларини.

Кейин аспирантурада ўқиган ҳамда академик Марат Нурмухамедов раҳбарлигида “Замонавий қорақалпоқ ҳикоялари” мавзусида илмий иш билан шугулланган. 1970 йили ЎзР ФА қошидаги Тил ва адабиёт институтини диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

Опа ўқувчилар ва талабалик давридаёқ газета-журналларга мақоалар ёза бошлаган. Адабий асарлари учун ёшлар мукофотига лойиқ деб топишган.

Олима Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими Н.Давқороев номидаги тарих, тил ва адабиёт институтини оддий ходимликдан директорликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Институт директори сифатида қорақалпоқ фольклорининг 100 йиллигини чоп эттириш учун ташаббус кўрсатган ва қорақалпоқ халқ оғзаки адабиёти, айниқса, эпосларини нашрга тайёрлаган. “Қирққиз”, “Эдигей” ва бошқа эпосларни дунёга танитиш мақсадида халқаро симпозиумлар, конференциялар ташкил этган, самарали меҳнат қилган.

Профессор Саригул Баҳодированинг эл-юрт, илм-фан йўлидаги хизматлари муносиб баҳоланган. У 1984 йилда фан ва техника соҳасида Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган. 1993 йилда “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони билан тақдирланган. 2004 йилдан дунё туркологлари ассоциацияси аъзоси. 2006 йилда халқ меросини сақлаш бўйича Н.Рерих номидаги халқаро мукофотга муносиб кўрилган.

Саригул опа 400 дан зиёд илмий асар, 20 дан ортиқ роман, қисса, ҳикоялар муаллифи. У кўпглаб халқаро нашрларнинг



тахририят аъзоси ҳамдир. Анқара, Измир, Кўниё, Вена, Деҳли, Уфа, Қозон, Остона, Туркистон, Олмаота, Бишкек каби қирқдан зиёд шаҳарда ташкил этилган халқаро илмий конференция, симпозиум, конгрессларда қорақалпоқ фольклори бўйича маъруза қилган. Бонн университетини, Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институти ва Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети қақирувига биноан туркий халқлар адабиёти ва фольклорини маърузалар ўқиган.

Олиманинг 1999 йили “Амударё” журналида чоп этилган “Тўмарис ва Кир” қиссасини 2016 йили Музаффар Аҳмад ўзбек тилига таржима қилиб, “Ўзбекистон” нашриётида чоп эттирган. Шундан кейин ёзувчи мазкур асарини қайта ишлаб, 2018 йилда “Тўмарис” номи билан “Наврўз” нашриётида қорақалпоқ тилига нашр эттирди. “Мен бу асарни ёзиш ҳақида Москвада, докторлик диссертацияси устида ишлаб юрганимда ўйлаган эдим. Кейин бир ҳафтада ёзиб тугатдим.

Китоб сифатида нашр қилиш яна ҳам масъулиятли. Шунинг учун қўлингиздаги китобни тугалланган асар деб қабул қилишингиз мумкин”, деди Саригул опа ёшлар билан суҳбатда.

Бу йил 80 баҳорни қарши олган Саригул опа том маънода қорақалпоқ фольклори ва адабиётшунослигининг билимдонидир. У ахборотлашув даврида ёшлар билан тенг-ма-тенг қадам босиб, янги технологияларни пухта ўрганиб олган. Шунинг ўзиде Саригул опанинг ҳаёт ва ижод йўли барчамизга бирдек ўрнак бўлишини кўрсатади.

Дурдана ПЕРДЕБАЕВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети магистранти

